

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.102.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАИРОВА САКИНА БАХОДИРОВНА

**ТУҒМА СЕПТАЛ ЮРАК НУҚСОНЛАРИ МАВЖУД БОЛАЛАРДА
КОМОРБИД ҲОЛАТЛАРНИ ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Таирова Сакина Баходировна

Туғма септал юрак нуқсонлари
мавжуд болаларда коморбид ҳолатларни
ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш..... 3

Таирова Сакина Баходировна

Усовершенствование диагностики
и лечения коморбидных состояний
у детей с септальными врожденными пороками сердца 25

Tairova Sakina Bahodirovna

Improving the diagnosis and treatment
of comorbid conditions in children
with septal congenital heart defects 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.102.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАИРОВА САКИНА БАХОДИРОВНА

**ТУҒМА СЕПТАЛ ЮРАК НУҚСОНЛАРИ МАВЖУД БОЛАЛАРДА
КОМОРБИД ҲОЛАТЛАРНИ ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2021.4. PhD/Tib2249 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.sammu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мухаммадиева Лола Атамурадовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Рустамов Мардон Рустамович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Агзамова Шоира Абдусаломовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Приволжск тадқиқот тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.102.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 70А-уй, СамДТУ (Ихтисослашган болалар хирургия маркази), Тел/факс: 0(366) 233-58-92, 233-79-03, e-mail: shodikulovagulandom@mail.ru).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳар, Амир Темур кўчаси 18-уй. Тел/факс: (+99866) 233-07-66).

Диссертация автореферати 2024 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2024 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси)

А.М. Шамсиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.З. Шодикүлова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ж.О. Атакулов

Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Туғма юрак нуқсонлари (ТЮН) болаларда юқори даражада тарқалиши ва жиддий соғлиқ муаммолари ва боланинг ногиронлиги туфайли эрта жарроҳлик тузатиш зарурати туфайли педиатрияда жиддий муаммо ҳисобланади. Муаммонинг ижтимоий аҳамияти ногиронликка олиб келадиган туғма ривожланиш аномалиялари орасида туғма юрак нуқсонлари тахминан 50% ни ташкил этиши билан белгиланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, туғма юрак нуқсонлари янги туғилган чақалоқларнинг 0,7-1,7% учрайди...»¹. «...Ўзбекистонда ҳар 1000 тирик туғилган чақалоққа 5 дан 15 гача янги туғилган чақалоқ туғма юрак нуқсонлари билан туғилади...»². Аини пайтда туғма септал юрак нуқсонлари билан касалланиш сонини ортиб бориши, патогенетик механизмлари, клиник кечишининг ўзига хос хусусиятлари, касалликнинг оғир асоратлари юзага келишини ҳисобга олган ҳолда диагностик ва даво муолажаларини буюриш педиатрияда ечими топилиши зарур бўлган муаммо ҳисобланади.

Бутун дунёда туғма юрак нуқсонлари бўлган болаларда коморбид ҳолатларни ташҳислаш ва даволаш усулларини такомиллаштиришга, шу билан бирга, касаллик ва унинг асоратларини олдини олишнинг самарали усулларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада туғма септал юрак нуқсонини бўлган болаларнинг клиник ва лаборатор хусусиятларини ўрганиш, уларда коморбид ҳолатлар учраш частотасини ва мойиллик яратувчи омилларини аниқлаш, клиник-иммунологик параметрлар билан психомотор хусусиятлар орасида боғлиқлик борлигини асослаш, эрта диагностика усулини оптималлаштириш натижасида туғма септал юрак нуқсонини олдини олиш комплекс чора тадбирларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, хусусан, туғма юрак нуқсонларига барвақт ташҳис қўйиш, шунингдек, туғма юрак нуқсонлари бўлган болаларнинг коморбид ҳолатларини даволаш, касалликни даволаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширишда натижаларга эришилмоқда. Шу билан бирга, «...оналар ва болаларга юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатиш, касалликларга барвақт ташҳис қўйиш, уларга тиббий хизмат кўрсатишни кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш, оналар ва болаларнинг соғлиғини сақлаш, соғлом турмуш тарзини такомиллаштириш, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш каби вазифалар белгиланди, шунингдек,

¹ World Health Organization (acting as the host organization for the Partnership for Maternal, Newborn & Child Health) 2021 (66)/ ВОЗ.

² Хамдамов А.М. «Особенности функциональных показателей ЭКГ и ЭхоКГ у детей с врождённым пороком сердца в послеоперационном периоде», Ташкент 2019 – стр.2.

асоратларни камайтириш ва маълум ижобий натижаларга эришиш...»³ га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарасини ошириш, бу билан бирга туғма септал юрак нуқсонини эрта босқичларида аниқлашни йўлга қўйиш, ташхис мезонлари ва олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш натижасида болаликдан ногиронлик кўрсаткичини камайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон “Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги қарорида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 7-декабрдаги ПФ-5590-сонли “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 28-июлдаги ПФ-5199-сон “Ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш тизимини соғлиқни сақлаш соҳасидаги тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатлар. белгиланган вазифаларни бажаришга маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Massin M.M. ва бошқаларнинг маълумотларига кўра (2017) коморбид ҳолатлар юрак касалликларини даволашни мураккаблаштириши, касалликнинг ривожланишига ҳисса қўшиши ва даволанишга жавобни ўзгартириши мумкин. Туғма юрак нуқсони бўлган 224 болада коморбид ҳолатлар аниқланган. Энг кўп учрайдиган касалликлар ақлий заифлик, астма, эпилепсия, сколиоз, буйрак ва нафас олиш касалликлари эди. Америка Қўшма Штатларида туғма юрак нуқсони ва болаларда аутизм спектрининг ёки диққат дефицити синдроми/гиперактивлик бузилиши хавфи ўртасидаги боғлиқлик бўйича биринчи метатаҳлил ўтказди (2021 йилда Jenabi E. ва бошқалар). Туғма юрак нуқсони ривожланишининг хавф омиллари, жумладан, эрта туғилиш, кам вазнли туғилиш, ҳомиладорлик ёшига кўра кичик бўлиши, ҳомиладорлик ва туғилишлар сони, чақалоқлик давридаги асоратлар, онанинг чекиши, онанинг гиёҳванд моддаларни суистеъмол қилиши, онанинг тана массаси индекси аниқланган.

Жаҳон адабиётини кўриб чиққанда (Серов В.Н., 2021) сунъий қон айланиши шароитида жарроҳлик амалиётида цитокинлар синтезининг кучайиши ва тизимли яллиғланиш реакциясининг шаклланиши билан бирга эканлиги ҳозирда исботланганлиги ҳақида маълумот беради. Яллиғланиш

³ Указ Президента Республики Узбекистан от 28.01.2022 г. № УП-60 «О стратегии развития НОВОГО Узбекистана на 2022-2026 годы».

жараёнида темирнинг қайта ишланиши бузилиб, функционал темир танқислиги пайдо бўлиши кўрсатилган. Яллиғланишга қарши цитокинларнинг таъсири остида жуда кўп микдорда эритропоэтин ишлаб чиқарилади ва эритроцитларнинг суяк кўмиги ўтмишдошлари унга чидамли бўлади. Бунинг оқибатида гемоглобин синтезининг пасайиши ва эритропоэзининг бузилиши кузатилади. Е.А. Шевченконинг ишида (2018) 53,1% ҳолларда кўпол хромосома патологияси ва юракдан ташқари аномалияларнинг туғма юрак нуқсони билан комбинациясининг юқори частотасини айтиб ўтган. Коморбид патологиялар орасида марказий асаб тизими (29,4%), сийдик чиқариш тизими (16,2%), юз нуқсонлари ва кўл ва оёқларнинг деформацияси (13,2%), омфалоцеле (11,8%), ичаклар туғма нуқсони, бўйиннинг кистали гигромаси, таянч-ҳаракат тизимининг нуқсонлари (5,9%) ва бошқа нуқсонлар (16,2%) энг кўп қайд этилган.

Ф.К. Хамидованинг ва бошқаларнинг (2021) маълумотларига кўра, иммун системанинг фаолияти бўлмачалараро тўсик дефектининг табиий кечишида адаптив иммунитет шаклланади, бунда Т-лимфоцитлар популяцияси дисбаланси фонида иммун системанинг В-ҳужайра звеноси фаоллашади. Юрак-қон томир касалликлари билан оғриган болаларда иммунитетнинг бузилишининг ривожланиши интеркурент инфекцияларга, ҳар қандай касалликнинг сурункали шакллари, аллергия ва аутоиммун жараёнларни ривожланиш тенденциясига олиб келади. Ш.А. Агзамованинг (2022) тадқиқотларида Хоразм вилояти болаларида туғма юрак нуқсонлари шаклланиши ва хавф омиллари ҳақида маълумот берилган. Туғма юрак нуқсонлари пайдо бўлишининг хавф омиллари аниқланди, масалан, туғма юрак нуқсонлари билан туғилган болалар оналарининг акушерлик тарихи (оналарнинг 25% спонтан бола тушишлари, 54,6% фетоплацентар етишмовчилик, 56,2% ҳолатларда бола тушиши хавфи), шунингдек, оналар 59,3% ҳолатларда ҳомилдорликнинг биринчи триместридаги ўткир вирусли касалликлар ва лаборатория томонидан тасдиқланган 48,4% ҳолатларда TORCH-инфекцияларга IgG титрининг юқори ташувчанлиги, оналарда герпес, токсоплазмоз ва цитомегаловирус кабилар аниқланди.

Шундай қилиб, туғма юрак нуқсонлари бўлган болаларда коморбид ҳолатлар йўналиши бўйича тақдим этилган илмий тадқиқотлар натижалари турли хил эканлиги ва қарама-қаршилиқлар мавжудлигини эътиборга олган ҳолда диагностика ва даволашга индивидуал ёндашиш билан бирга, ушбу болалаларда психомотор ва психонутқ ривожланишидаги кечикишларни ташхислаш усулини ишлаб чиқиш зарур эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 5436012000260-сонли «Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида янги технологияларни ишлаб чиқиш» илмий-тадқиқот режаси доирасида амалга оширилди (2019-2023й.).

Тадқиқотнинг мақсади туғма септал юрак нуқсони мавжуд болаларда комплекс ёндашув орқали коморбид ҳолатларни эрта ташхислаш ва даволаш чора тадбирларни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

она томондан болаларда туғма септал юрак нуқсонлари шаклланишининг асосий хавф омилларини ва болаларда ушбу патологиянинг мавжудлигини кўрсатадиган клиник ва анамнестик маълумотларни аниқлаш; туғма септал юрак нуқсони бўлган ёш болаларда коморбид ҳолатларни аниқлаш;

болаларда нутқ ва моторика ривожланишига туғма септал юрак нуқсонларининг таъсирини аниқлаш;

туғма септал юрак нуқсонлари бўлган болаларнинг босқичма-босқич диагностика алгоритмини ҳамда туғма септал юрак нуқсонлари бўлган болаларда ўтказилган Денвер скрининг текшируви натижалари асосида психомотор бузилишларни ташхислаш ва даволаш схемасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази кардиожарроҳлик бўлимида стационар шароитда даволанган, коморбид ҳолатлари аниқланган туғма септал юрак нуқсони билан оғриган 108 нафар бемор болалар олинган (бош шифокор М.К. Азизов).

Тадқиқотнинг предметини умумий клиник, биокимёвий текшириш усули учун беморларнинг веноз қони ва зардоби ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумий клиник, инструментал, лаборатор, иммунологик, нейропсихологик тестлар ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

туғма юрак нуқсони билан туғилган болалар оналарида ҳомиладорлик даврида учраган асосий хавф омиллари: анемия, онанинг 2 ва ундан ортиқ соматик касалликлари, ҳомиладор аёлларда кўп қусиш, онанинг ёши, TORCH ва ЎРВ инфекциялари, ота-оналарнинг қариндош бўлиши аниқланган;

туғма септал юрак нуқсонлари мавжуд болаларда энг кўп учрайдиган коморбид патологиялар частотаси (психологик ривожланиш бузилишлари – 100%, анемия – 74% ва оқсил-энергия танқислиги – 56,5%) аниқланган;

илк бор туғма септал юрак нуқсонлари бўлган болаларда ривожланишни баҳоловчи Денвер скрининг тестини қўллаш орқали уларда нутқ (48,2%) ва моторика (51,8%) функцияларини бузилиши аниқланган;

илк бор септал юрак нуқсонлари бўлган болаларга анъанавий даво усулига қўшимча полипептид фракциялар комплекси ва темир сақловчи дори воситасини қўллаш орқали даволаш тактикаси такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

клиник ва лаборатор диагностика таҳлиллари натижасида туғма септал юрак нуқсони бўлган болаларда коморбид патологияни ташхислаш ва даволаш ҳамда касалликнинг диагностик ва прогностик мезонлари ишлаб чиқилган;

кардиохирургия бўлимининг амалий фаолиятига туғма септал юрак нуқсонлари бўлган болаларда коморбид патологияни босқичма-босқич ташхислаш алгоритми жорий этилган;

туғма септал юрак нуқсонлари бўлган болаларда нутқ ва мотор функцияларининг ривожланишини Денвер скрининг тести ёрдамида баҳолаш тавсия этилган;

туғма септал юрак нуқсонлари бўлган болаларда психомотор ривожланиш кечикишини Денвер скрининг текшируви натижаларига кўра ташхислаш ва даволашнинг тавсия этилган схемаси бузилишни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш тактикасини танлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашувлар ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар сони танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник-лаборатор, инструментал, иммунологик ва статистик тадқиқот усуллари асосида туғма септал юрак нуқсони бўлган болаларда коморбид ҳолатларни эрта ташхислаш ва прогнозлашга қаратилган чора тадбирларнинг ўзига хослиги ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қабул қилинган хулосалар ва таклифлар ўзига хос назарий аҳамиятга эга бўлиб, улар туғма септал юрак нуқсонлари бўлган болаларда коморбид ҳолатларни ташхислаш ва даволаш хусусиятларини ўрганишга катта ҳисса қўшади, шунинг учун туғма юрак нуқсонлари диагностика ва даволашда тактикасида муаммоларни ҳал қилишда янги ёндашувлар таклиф қилиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг амалиётига бошқарув тактикасини уларни амалиётда амалга ошириш схемасини ишлаб чиқишда касалликнинг натижаларини яхшилашга имкон бериш туғма юрак нуқсони бўлган болаларда коморбид ҳолатлар диагностикаси Денвер скрининг тестини киритилиши ва болаларда нутқ ва мотор ривожланишининг бузилиши ва гемоглобин ва қон зардобдаги темир даражасини ҳисобга олган ҳолда комплекс даволашда комплекс полипептид фракциялари ва темир (III) гидроксид полималтозат қўшилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Илмий тадқиқот натижалари Самарқанд давлат тиббиёт университетининг кўп тармоқли клиникасида 2023 йил 14-сентябрдаги 86-сонли буйруғи, Самарқанд шаҳар 1-сон болалар шифохонасида 2023 йил 19 сентябрдаги 51-сонли буйруғи билан клиник амалиётга жорий этилган.

Туғма юрак нуқсони билан туғилган болалар оналарида ҳомиладорлик даври хусусиятлари, анемия, онанинг 2 ва ундан ортиқ соматик касалликлари, ҳомиладор аёлларда кўп қусиш, онанинг ёши, TORCH ва ЎРВ

инфекциялари, ота-оналарнинг қариндош бўлиши аниқланган каби аҳамиятли бўлган прогностик хавф омилларини болаларда коморбид ҳолатлар билан кечувчи туғма септал юрак нуқсонлари ривожланишида аҳамияти ўрганилган. Бу коморбид ҳолатлар билан кечувчи туғма септал юрак нуқсонлари диагностикасида мойиллик яратувчи хавф омилларини баҳолашга, ўз вақтида тўғри ташхис қўйишга, болаларда туға септал юрак нуқсонлари ва бошқа асоратларни ривожланишини олдини олишга имкон берган. Тадқиқотда коморбид ҳолатлар билан кечувчи туғма септал юрак нуқсонларида Денвер скрининг тестини аҳамияти аниқланган. Болаларда коморбид ҳолатлар билан кечувчи туғма септал юрак нуқсонларида Денвер скрининг тести кўрсаткичларини баҳолаш ташхис қўйишнинг тўғри усули ҳисобланади ва кейинги даволаш самарадорлигини баҳолаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Коморбид ҳолатлар билан кечувчи туғма септал юрак нуқсонлари бўлган болаларда нутқ ривожланишини ва мотор функциясини таҳлил қилиш болаларда касалликни оғирлик даражасини баҳоловчи муҳим усул ҳисобланади ва эрта ташхислашнинг муайян қисми бўлиб хизмат қилади.

Коморбид ҳолатлар билан кечувчи туғма септал юрак нуқсонлари бўлган болаларда коморбид ҳолатлар ривожланишини башорат қилувчи хавф омилларини аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган математик моделни амалий қўллаш натижасида қўшимча текширишларга зарурат бўлмаганлиги сабабли 73 нафар беморга 6 724 249 сўм иқтисод қилишга ёрдам берган. Коморбид ҳолатлар билан кечувчи туғма септал юрак нуқсонларни эрта аниқлаш учун қўлланилган Денвер скрининг тестини ҳар бир бемор учун бюджет воситаларини 92 113 сўм ва бюджетдан ташқари воситаларни 92 113 сўм иқтисод қилган.

“Туғма септал юрак нуқсонлари мавжуд болаларда коморбид ҳолатларни ташхислаш ва даволаш усуллари оптималлашириш” мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этилиши Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 25 сентябрдаги №6/31-сонли хулосаси билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 1 таси хорижий илмий нашрларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта асосий боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурлиги асосланади, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланади, республика фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишига мувофиқлиги кўрсатилади, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинади, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамиятини очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисида маълумот берилган.

Диссертациянинг **“Туғма юрак нуқсонлари бўлган болаларда коморбид ҳолатларни ташхислаш ва даволаш муаммосининг ҳозирги ҳолати (адабиёт шарҳи)”** биринчи бобида туғма юрак нуқсонлари бўлган болаларнинг коморбид ҳолати ҳақидаги замонавий маълумотларга оид мунозарали масалаларни акс эттирувчи илмий манбалардан олинган маълумотлар келтирилган. Туғма юрак нуқсонлари ривожланишининг эпидемиологияси ва хавф омиллари келтирилган, туғма юрак нуқсонлари билан бирга келадиган коморбид патология хусусиятлари, туғма юрак нуқсонлари бўлган болаларда нутқ ва мотор ривожланиши функцияларининг бузилиши ва туғма юрак нуқсонлари бўлган болаларда коморбид ҳолатлар диагностика ва даволаш усулларига замонавий ёндашувлар (гематологик кўрсаткичлар, иммунитет кўрсаткичлари ва нутқ ва мотор ривожланиши) акс эттирилган.

Диссертациянинг **“Клиник материалнинг умумий тавсифи ва амалий тадқиқот усуллари”** иккинчи бобида клиник материалнинг умумий тавсифи, туғма юрак нуқсони бўлган болалар ва уларнинг оналарининг клиник ва анамнестик таҳлиллари, беморларни ўрганиш усуллари келтирилган.

Ўрганишда вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг кардиожарроҳлик бўлимида 2021-2022 йилларда ўтказилган кузатув ва даволаш натижалари таҳлил қилинди.

1 ойликдан 3 ёшгача бўлган 108 нафар туғма юрак нуқсони билан оғриган болалар ва 30 нафар шартли соғлом ёш болалар текширилди. Барча беморларга умумий клиник тадқиқот усуллари, иммунологик тадқиқот усуллари, Эхо-КГ, ЭКГ, НСГ, ЭЭГ ва Денвер скрининг тестларидан ўтказилди.



1-расм. Текширувдан ўтган болаларни тадқиқот гуруҳлари бўйича тақсимлаш

Тадқиқот давомида барча болалар (n=138) учта гуруҳга бўлинган: I асосий гуруҳга туғма септал юрак нуқсони бўлган 73 (67,6%) болалар

(коморбид ҳолатини коррекция қилиш билан операция қилинган болалар) ва II таққослаш гуруҳига 35 (32,4%) болалар киритилган (коморбид ҳолатлар коррекция қилинмаган ва операция қилинган болалар); Назорат гуруҳи Самарқанд шаҳридаги 4-оилавий поликлиникада кузатилган жинси ва ёши бўйича 30 нафар шартли соғлом ёш болалардан иборат эди. Назорат гуруҳига киритиш мезонлари: ёши 1 ойдан 3 ёшгача; биринчи соғломлик гуруҳи; охирги ой давомида ўткир касалликларнинг йўқлиги (1-расм).

Асосий гуруҳ ва таққослаш гуруҳидаги болалар жарроҳлик амалиётини ўз ичига олган стандарт терапия олдилар. Агар нуқсон 7-8 мм гача бўлса, тикилади, ундан каттароқ нуқсон бўлса, у ҳолда пластик жарроҳлик ямоқ ёрдамида амалга оширилади. 108 та операция ўтказилди, улардан 79 таси қоринчалараро тўсиқ дефекти (ҚТД) - медиан стернотомия, ҚТД пластикаси сунъий қон айланиш (СҚА) шароитида, гипотермия ва фармакосовуқли кристаллоид кардиоплегия (ФКК) шароитида аутоперикардиал ямоқ билан тузатиш; 21 таси бўлмачалараро тўсиқ дефекти (БТД) - медиан стернотомия, СҚА, гипотермия ва ФКК шароитида аутоперикардиал ямоқ қўйиш билан БТД пластикаси; 8 та ҚТД+БТД - радикал коррекция, ҚТД тушириш ва кўтарилиш операциялари, БТД СҚА, гипотермия ва ФКК шароитида аутоперикардиал ямоқ пластикаси ўтказилган.

Шунингдек, жарроҳлик муолажасидан сўнг беморларга антибактериал терапия, эубиотиклар, диуретиклар, калий ва магний препаратлари, стероид бўлмаган яллиғланишга қарши дори-дармонларни қабул қилишган. Дори-дармонларни танлаш тактикаси текширилган болаларда коморбид патологиянинг оғирлигига боғлиқ эди.

I асосий гуруҳ болалар умумий қабул қилинган стандарт терапия билан бир қаторда, марказий асаб тизимининг Денвер скрининг тести ёрдамида аниқланган ва кейинчалик инструментал усуллар билан тасдиқланган бузилишларини коррекциялаш учун, биз ишлаб чиққан комбинирланган даволаш, яъни антиоксидант, нейропротектор сифатида комплекс полипептид фракцияларини таклиф қилдик. Комплекс полипептид фракциялари кунига бир марта 5 мг мушак ичига инъекция сифатида буюрилган, даволаш курси 10 кун.

Темир танқислиги анемиясини коррекция қилиш учун I асосий гуруҳдаги болаларга темир (III) гидроксиди полималтозат буюрилди. Темир (III) гидроксиди полималтозат жарроҳлик даволашдан 1 ой ўтгач, 1 ёшгача бўлган болаларга 10-20 томчи (25-50 мг темир), 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган болаларга 20-30 томчи (50-75 мг) буюрилади кунига, даволаш курси гемоглобин даражасига қараб 3 ойдан 5 ойгача.

Шифохонадан чиққандан кейин 1 ва 6 ой ўтгач натижалар кузатиб баҳоланди. Коморбид ҳолатни коррекция қилиш самарадорлиги клиник ва лаборатория кўрсаткичларининг динамикаси ва яхшиланиши, шунингдек, Денвер скрининг тести маълумотлари билан баҳоланди (1-жадвал)

Ўрганилган гуруҳлар орасида 1 ойдан 12 ойгача бўлган болалар мос равишда 30,1%, 40% ва 33,3%ни ташкил этди. 1 ёшдан 2 ёшгача - 41,09%, 25,7% ва 43,4%; 2 ёшдан 3 ёшгача - мос равишда 28,7%, 34,2% ва 23,3%. Ўртача ёши $18,13 \pm 0,9$ ой. Асосий гуруҳда, шунингдек, назорат гуруҳида 1


ёшдан 2 ёшгача бўлган болалар кўпроқ бўлган. Таққослаш гуруҳида эса 1 ойдан 12 ойгача бўлган болалар кўпроқ бўлган.

1-жадвал

Беморларнинг ёши бўйича тақсимланиши

Ёш	Асосий гуруҳ (n=73)		Таққослаш гуруҳи (n=35)		Назорат гуруҳи (n=30)		Жами	
	абс	%	абс	%	абс	%	абс	%
1 ойдан 12 ойгача	22	30,1	14	40	10	33,3	46	33,3
1 ёшдан 2 ёшгача	30	41,09	9	25,7	13	43,4	52	37,7
2 ёшдан 3 ёшгача	21	28,7	12	34,2	7	23,3	40	28,9


Текширувдан ўтган болалар орасида ўғил болалар қизларга қараганда бир оз кўпроқ эди - ўғил болалар 72 (52,2%), қизлар 66 (47,8%) (2-расм).



2-расм. Беморларнинг жинси бўйича тақсимланиши

Шунингдек, ушбу бобда ўтказилган тадқиқот усуллари батафсил баён этилган: умумий клиник текширув, лаборатория, инструментал диагностика усуллари, Денвер скрининг тестлари, болаларнинг жисмоний ривожланишини баҳолаш (UNICEF, 2013) жадвалидан фойдаланган ҳолда антропометрик тадқиқотлар ва статистик усуллар.


Диссертациянинг «**Туғма септал юрак нуқсони бўлган ёш болаларнинг ҳолатини комплекс баҳолаш**» учинчи бобида ўз тадқиқотимиз натижалари таҳлил қилинган. Болаларнинг мутлақ кўпчилигида - 89 (82,4%) касалхонага ётқизилгандаги аҳволи ўртача оғирликда, 15 (13,9%) ёш болаларда - оғир, фақат 4 (3,7%) болаларда қониқарли бўлиб, улар стационарга боришдан олдин инструментал текширув вақтида аниқланган нуқсон мавжудлиги ҳақидаги шикоят билан стационарга ётқизилган. Шундай қилиб, касалхонага ётқизилганида, ўртача оғирликдаги болалар устунлик қилди.



3-расм. Туғма юрак нуқсонларининг тузилиши (%)

Касалликлар халқаро таснифи-10 (КХТ-10)га асосан туғма септал юрак нуқсони диагнози қўйилди (Q21.0. – ҚТД, Q21.1. – БТД). Изоляция қилинган қоринчалараро тўсиқ дефекти 79 (73,2%) беморда, изоляция қилинган бўлмачалараро тўсиқ дефекти – 21 (19,4%). 8 (7,4%) болада ҚТД ва БТДларнинг комбинациясига эга (3-расм).

Тадқиқот давомида болалар коморбид ҳолатни коррекция қилишга қараб 2 гуруҳга бўлинган (4-расм). Иккала гуруҳда ҳам болаларнинг 73,2%да ҚТД, шу жумладан I асосий гуруҳда 56 (51,9%) ва II таққослаш гуруҳида 23 (21,3%) бор эди. БТД иккала гуруҳда ҳам 19,4% болаларда кузатилган (жумладан, I асосий гуруҳда 12 (11,1%) ва II таққослаш гуруҳида 9 (8,3%)). Комбинацияланган ҚТД+БТД асосий гуруҳда 7,4% болаларда (шу жумладан I асосий гуруҳда (4,6%), II таққослаш гуруҳида 3 (2,8%)) кузатилган.



4-расм. Туғма септал юрак нуқсони бўлган болаларни ўрганиш гуруҳларига тақсимлаш (n=138)

Н.А. Белокон (1987) таснифига кўра, беморлар қон айланиш етишмовчилигининг (ҚАЕ) тўрт даражасига бўлинади. Касалликнинг оғирлигини аниқлаш учун биз эрта ёшдаги болалар учун туғма юрак нуқсони таснифидан фойдаландик, ҚАЕ даражалари клиник мезонларни ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Болаларнинг учдан биридан кўпроғида, яъни 93 нафар (86,1%)да ҚАЕ II даражаси аниқланди. Ушбу беморларда нафас қисилиши, тахикардия, жисмоний зўриқиш пайтида чарчоқ бор эди, касалликнинг клиник белгилари изоляция қилинган чап ва/ёки ўнг қоринча етишмовчилиги билан кечиши кузатилди. Беморларнинг учдан бир қисмининг камроғида 10 (9,3%) ҚАЕ II даражаси аниқланди, бу кучли тахипноэ ва тахикардия, гепатомегалия билан тавсифланади, аломатлар енгил жисмоний зўриқиш ёки дам олишда кузатилган, улар иккала қон айланиш тизимида ҳам димланиш билан бирга келган. ҚАЕ I даражаси фақат 5 (4,6%) болада аниқланган, уларда гемодинамика бузилмаган (яширин юрак етишмовчилиги). Жиддий гемодинамик бузилишлар аниқланмаган. Туғма септал юрак нуқсони бўлган болаларда ҚАЕ II даражаси устунлик қилди (5-расм).

Биз текширган болаларнинг аксарияти ўртача оғирлик ҳолатида ётқизилган ва кўпинча ҚТД ташхиси қўйилган. Қайи трудаги туға юрак нуқсони бўлишидан қатъий назар ҚАЕ I даражаси устунлик қилди.

Болаларда туғма юрак нуқсони ривожланишининг ўрганилган мумкин бўлган хавф омилларини таҳлил қилиш натижасида туғма септал юрак нуқсони ривожланишига таъсир кўрсатадиган энг аниқ шартли кучли

омилларга қуйидагилар киради: бооа тушиш хавфи ($\varphi=0,206$), қариндошлик никоҳи ($\varphi=0,211$), TORCh -инфекция ($\varphi=0,225$), анемия ($\varphi=0,336$), онанинг 2 ва ундан ортиқ соматик касалликлари ($\varphi=0,336$), онанинг ёши >31 ёш ($\varphi=0,391$), хаддан ташқари ҳомиладор аёлларда қусиш ($\varphi=0,426$), ҳомиладорлик даврида ўРВИ ва ўРК ($\varphi=0,499$).




5-расм. Туғма септал юрак нуқсони бўлган ёш болаларнинг қон айланишининг этишмовилиги оғирлигига қараб тақсимланиши (даволашдан олдин)

Туғма септал юрак нуқсонлари бўлган ёш болаларда умумий клиник қон текширувида кўпчилик болаларда анемия аниқланган – 80 (74%).

А, М ва G иммуноглобулинларининг асосий синфлари концентрациясини ўрганиш 1 ёшгача бўлган I асосий гуруҳ болаларида туғма септал юрак нуқсониди IgA синтезининг пасайишини кўрсатди - $0,17 \pm 0,02$ г/л (референс кўрсаткичлар 1-12 ой 0,15-0,55 г/л, 1-2 ёш 0,26-0,74 г/л, 2-3 ёш 0,34-1,11 г/л), II таққослаш гуруҳида $0,21 \pm 0,38$ г/л.

Шунингдек, тизимли яллиғланишга қарши жавобни аниқлаш учун яллиғланишга қарши цитокин ИЛ-6 миқдори ўрганилди.

I асосий гуруҳ ва II таққослаш гуруҳининг ўрганилаётган болаларида ИЛ-6 миқдори референс кўрсаткичларда эди (мос равишда 90,4% ва 88,6%). Кўп бўлмаган миқдорда 12-15 пг/мл (мос равишда 9,6% ва 11,4%) ИЛ-6 миқдори юқори бўлиши кузатилди.




6-расм. Туғма септал юрак нуқсони бўлган ёш болаларда гуруҳлар бўйича ЭКГ кўрсаткичлари ($n=108$)

ЭКГ таҳлили шуни кўрсатдики (6-расм), таҳлил қилинаётган гуруҳларда энг кўп ритм бузилишларидан синусли тахикардия: I асосий гуруҳда 67 (91,7%) болада ва II таққослаш гуруҳида 35 (100%) Шунингдек, доминант белгилардан ўнг қоринчанинг ортиқча юкланиши эди – I асосий гуруҳда – 64 (87,6%), II таққослаш гуруҳида – 33 (94,3%) болаларда аниқланди. Умумий

қон айланишининг бузилиши билан боғлиқ ҳолда, миокардда метаболик бузилиш белгилари кузатилди – I асосий гуруҳда – 60 (82,2%), II таққослаш гуруҳда – 28 (80%) ҳолатлар кузатилди. Шунингдек, ЭКГда Гис тутамининг ўнг оёқчаси тўлиқ бўлмаган блокадаси ва бўлмача ритми белгилари фиксирланган – I асосий гуруҳда 15 (20,5%) ва 3 (9,5%), II таққослаш гуруҳида 21 (28,5%) ва 3 (8,5%) мос равишда.

Жарроҳликдан олдин ЭКГ текшируви кўпчилик болаларда тахикардия, гипоксик ўзгаришлар, ўнг юракнинг ортиқча юкланиши белгилари, ST–T ўзгаришлари, бўлмачалар фибриляцияси, интравентрикуляр ўтказувчанлик бузилиши, Гис тутамининг ўнг оёқчаси тўлиқ бўлмаган блокадаси (ўнг кўкрак уланишларида rSR» или rsR' феномени) кўрсатди (7-расм).



7-расм. Туғма септал юрак нуқсони бўлган ёш болаларда ЭКГ кўрсаткичлари (n=108)


ЭхоКГ таҳлилида туғма септал юрак нуқсони бўлган болаларда қоринчалараро ва бўлмачалараро тўсиқ визуал дефекти аниқланди, юракнинг барча камералари ҳажмининг катталашишини, чап ва ўнг қоринча деворларининг гиперкинезини, бўлмача ва қоринча ўртасида чапдан ўнгга ёки ўнгдан чапга қон айланиши шунти аниқланди. Қоринчалараро ва бўлмачалараро тўсиқ дефекти ўлчами ўртача >15 мм.

Биз текширган болаларда ЭЭГни ўрганишда биз алфа ритмининг пасайиши ва тартибсизланиши, бета ритми ва тета ритмининг кучайиши, учли тўлқинларнинг мавжудлигини аниқладик, бу эса текширилган болаларда психомотор ривожланишнинг кечикишини кўрсатади. НСГдаги ўзгаришлар биз текширган туғма септал юрак нуқсони бўлган болаларда латерал қоринчалар ҳажмининг, учинчи ва тўртинчи қоринчаларнинг ўлчамларининг биров катталашишини кўрсатди.

Диссертациянинг «Туғма септал юрак нуқсони бўлган болаларда коморбид ҳолатлар комплекс даволаш ва диагностика тактикаси самарадорлиги» номли тўртинчи бобида туғма юрак нуқсонлари бўлган болаларда коморбид ҳолатларни таъхислаш ва даволашда дифференциациялаштирилган ёндашувлар асослаб берилган.

Энг кўп учрайдиган коморбид ҳолатлар: нутқ ривожланишининг бузилиши - 52 (48,2%), моторика функциясининг бузилиши - 56 (51,8%) (9-расм). Нутқ ривожланишининг бузилиши ва моторика функциясининг

бузилиши диагностикаси КХТ-10, Денвер скрининг тести ва невролог консултацияси асосида куйилди.



9-расм. Туғма септал юрак нуқсони бўлган эрта ёўдаги болаларда коморбид патология структураси

Гематологик касалликлар орасида текширилган болалар гуруҳида анемия аниқланган. Анемияни ташхислаш учун биз ЖССТ тавсияларидан фойдаландик (2011). Анемияни ташхислаш мезонлари 6-59 ойлик болаларда гемоглобиннинг <110 г/л дан камайиши эди. Текширилаётган болаларнинг 33 тасида (30,5%) енгил анемия (110-100 г/л), туғма юрак нуқсони бўлган 47 (43,5%) болаларда ўртача (100-70 г/л) камқонлик аниқланган. Барча текширилган болаларнинг 80 тасида (74,0%) камқонлик аниқланган.

Энг кенг тарқалган соматик патологиялардан бири оксил-энергия етишмовчилиги (ОЭЕ) бўлиб, у туғма юрак нуқсони бўлган 61 (56,5%) болаларда аниқланган. ОЭЕ ташхисини қўйишда биз ЖССТ томонидан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассислари томонидан мослаштирилган тавсиялардан фойдаландик (UNICEF, 2013).

Овқат ҳазм қилиш тизимидаги асосан функционал бузилишлар билан ифодаланган. 6 ойликдан 1 ёшгача бўлган болаларда регургитация шаклида - 15 (41,7%), ич қотиши - 6 (16,7%), ичак коликаси - 3 (8,33%). Текширилган болалар гуруҳидаги ривожланиш нуқсонлари қаттиқ танглайнинг битмаслиги, ўнг қовоқ птози, чап буйрак агенезияси ва гидронефроз ҳолатлари билан ифодаланган.

Биз текширган болалар орасида туғма септал юрак нуқсони бўлган болаларда энг кўп учрайдиган соматик патология: психомотор ва психонутқ ривожланишдан орқада қолиш, анемия, ОЭЕ.

Туғма септал юрак нуқсони бўлган барча 108 (100%) болаларда марказий асаб тизимининг патологияси аниқланди. I асосий гуруҳ болалари умумий қабул қилинган стандарт терапия билан бир қаторда, Денвер скрининг тести ёрдамида аниқланган ва инструментал усуллар билан тасдиқланган марказий асаб тизимининг бузилишларини тузатиш учун биз антиоксидант, нейропротектор восита сифатида комплекс полипептид

фракцияларини қўллашни ўз ичига олган комбинацияланган даволашни таклиф қилдик. Комплекс полипептид фракциялари кунига бир марта 5 мг мушак ичига инъекция кўринишида буюрилган, даволаш курси 10 кун.

Туғма септал юрак нуқсони бўлган барча текширилган болаларда жарроҳлик даволаш ва комплекс полипептид фракциялари инъекциясидан 1 ва 6 ой ўтгач, нутқ ва мотор ривожланишининг ривожланиши Денвер скрининг тест шкаласи бўйича таҳлил қилинди (2-жадвал).

2-жадвал

Туғма септал юрак нуқсони бўлган болаларнинг Денвер скрининг тестида йиғган балли асосида тақсимланиши

	I асосий гуруҳ (n=73)						II таққослаш гуруҳ (n=35)					
	Даволаш-дан олдин		1 ойдан кейин		6 ойдан кейин		Даволаш-дан олдин		1 ойдан кейин		6 ойдан кейин	
	абс	%	абс	%	абс	%	абс	%	абс	%	абс	%
Денвер скрининг тести <1 балл	-	-	18	24,7**	73	100**	-	-	4	11,5	13	37,1
Денвер скрининг тести 1-2 балл	29	39,7	22	30,2**	-	-	14	40	14	40	19	54,3
Денвер скрининг тест 3-4 балл	17	23,4	12	16,4**	-	-	8	22,8	9	25,7	3	8,6
Денвер скрининг тести 4< балл	27	36,9	21	28,7*	-	-	13	37,2	8	22,8	-	-

Изоҳ: *, ** - таққослаш гуруҳ маълумотларига нисбатан фарқлар сезиларли ($p < 0,001$, $p < 0,05$, мос равишда).

